ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА АГРОДЕМОГРАФИК БОСИМНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Дониёр Ғуломович Мўминов
Қўқон давлат педагогика институти сиртқи бўлим бошлиғи.
d.muminov-71@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур ишда геоэкологик муаммоларни бартараф этишда ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларига асосланиш зарурлиги тўғрисидаги масалалар ёритилган. Бунда ҳудуднинг табиий, иқтисодий ҳусусиятларига боғлиқ ҳолда аҳоли зичлигини ҳисобга олиш кераклиги борасидаги фикрлар илгари сурилади. Аҳоли зичлиги ўрганилганда, ҳудуднинг агродемографик босимини алоҳида ҳисоблаш лозимлиги ва ҳисоблаш услуби берилган. Шу билан бирга табиатдан фойдаланишда баландлик минтақалари кесимида ландшафтли ёндашув зарурлиги изоҳланган.

Калит сўзлар: геоэкология, ландшафт, ҳудуднинг сиғими, аҳоли зичлиги, агродемографик босим, қишлоқ жойлар.

ACCOUNTING FOR AGRODEMOGRAPHIC PRESSURE IN OVERCOMING GEOECOLOGICAL PROBLEMS

Doniyor Gulomovich Muminov
Head of correspondence department of Kokand State Pedagogical Institute
d.muminov-71@mail.ru

ABSTRACT

This paper addresses the issues of relying on the specifics of the region in solving geoecological problems. At the same time, opinions are put forward on the need to take into account the population density, depending on the natural, economic characteristics of the region. When studying the population density, the need to calculate the agro-demographic pressure of the area separately and the method of calculation are given. At the same time, the need for a landscape approach at the intersection of altitude zones in the use of nature is explained.

Keywords: geoecology, landscape, area capacity, density of population, agro-demographic pressure, rural areas.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

КИРИШ

Географик муҳитдаги бугунги иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммоларни юзага келишига узоқ йиллар давомида табиатдан илмий асосланмаган ҳолда, бепарволик билан фойдаланиш сабаб бўлди. Жаҳондаги иқтисодий тараққиётнинг илм-фан олдига қўяётган ижтимоий буюртмаси ҳамда барқарор ривожланиш ва бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб олиб бориш географик тадқиқотларда геоэкологик ҳолатларга хўжаликнинг таъсирини ўрганиш ва уни яхшилаш бугунги кун талабидир.

Миқдорий жиҳатдан чекланган ер-сув ресурсларига антропоген таъсир кўлами йилдан-йилга ортиб бораётган, геоэкологик вазият ноқулай бўлган қишлоқ жойлари ҳудудидан фойдаланишда геоэкологик барқарорликни, яъни экологик ва хўжалик мувозанатини таъминлаш, агродемографик юкни камайтириш, этноэкологик маданиятни тиклаш ва бойитиш асосида ландшафт талабига мослаштириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга вазифадир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Турли табиий ва демографик, иқтисодий географик шароитга эга бўлган қишлоқ жойларда “табиат-аҳоли-хўжалик” тизимида юз бераётган ўзаро алоқадорлик, уларнинг замон ва маконда ўзгариши қонуниятлари ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш керак. Қишлоқ жойларда мавжуд ноқулай геоэкологик шароитни такомиллаштиришнинг инновацион, бозор иқтисодиёти талабларига мос келувчи, кам ҳаражатли, хўжалик ва аҳоли эҳтиёжларини ҳамда экологик талабларни эътиборга олувчи усул ва ёндашувлар ишлаб чиқилиши зарур.

Қишлоқ аҳоли масканларининг ҳудудий тарқалиши, аҳолининг турмуш тарзи, турли хизматлар кўрсатиш соҳалари А.И.Алексеев, Э.А.Аҳмедов, О.Б.Ота-Мирзаев, В.А.Пуляркин, А.Солиев, Х.Салимов, Э.Сафаров, А.А.Қаюмов каби олимлар томонидан ўрганиб чиқилди.

Қишлоқ жойларда хўжаликни ҳудудий ташкил этиш, табиий ресурсларни баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий ва ижтимоий географик хусусиятларини ўрганиш каби масалалар О.Абдуллаев, З.М.Акрамов, К.И.Иванов, В.Г.Крючков, А.М.Носонов, А.Н.Ракитников, А.Н.Рўзиев каби олимларнинг ишларида ёритилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилган илмий изланишларда қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш ва бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи жиҳатларини ўрганишга асосий эътибор берилмоқда. Бу борада

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

А.И.Алексеев, Ю.И.Аҳмадалиев, Л.Н.Гумилев, Т.Жумаев, Б.И.Кочуров, А.Нигматов, Т.Г.Нефедова, А.А.Рафиқов географларнинг тадқиқотлари аҳамиятлидир.

НАТИЖАЛАР

Иқтисодий ва ижтимоий географияда ҳудуднинг энг мақбул демографик сиғимини ҳисоблаш аҳоли зичлигини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Ҳудуднинг демографик сиғими фақатгина жойнинг табиий шароити (рельеф, иқлим, тупроқ ва уни суғориш)га эмас, балки ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражаси ва хўжалик турига ҳам боғлиқ. Муайян табиий ва иқтисодий шароитга эга бўлган ҳар қандай ҳудуд, вилоят ёки мамлакатнинг аҳолини сиғдириши мумкин бўлган чегараси мавжуд.

Айни чоғда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келадиган демографик юк ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқли (3, 326-б).

“Ҳудуднинг сиғими” тушунчаси бўйича МДҲ мамлакатлари аҳоли географиясида ёритилган маълумотлар кўплаб олимлар томонидан жамланиб, умумлаштирилиб, турли хулосалар чиқарилган. Ҳудуднинг демографик сиғими деганда – муайян ҳудудда яшаб, унинг ресурсларидан фойдаланиб, ҳаётий зарур воситаларни етарли даражада олиши мумкин бўлган аҳолининг максимал сони тушунилади. Ҳудуднинг сиғими аҳоли зичлигининг максимал мумкин бўлган миқдори билан белгиланиб, бу кўрсаткич ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражаси, хўжалик тури ҳамда табиий шароитга боғлиқ (6, С.13-25).

Инсоният кутилаётган ижтимоий-экологик ҳалокатлардан қутқариш учун бугунги ривожланишга муқобил тарзда экологик барқарор ривожланиш йўлига ўтиш лозим, бироқ шунда ҳам антропоген босим миқдори ҳудуднинг демографик сиғими доирасида қолиши керак. С.М.Магков, Ш.Жумахонов, Н.К.Элизбарашвили, Д.А.Николашвилилар аҳоли зичлигини ҳисоблашнинг янги йўналишларини таклиф этдилар. Ш.Жумахонов Наманган вилояти маъмурий туманларида аҳоли ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича олиб борган тадқиқотларида аҳоли зичлигини дарё ҳавзалари бўйича ҳисоблаб чиқишни таклиф этган бўлса, Грузиялик олимлар аҳоли зичлигини ландшафт тур ва турчалари бўйича ҳисоблаб чиқишни, шу асосда ҳар бир ландшафт турини ўзлаштириш мумкин бўлган чегарасини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

Маълум олинган ҳудудда аҳолининг оптимал миқдори деганда аҳоли зичлигини шундай микдори назарда тутиладики, унда табиий ресурслардан фойдаланиб, аҳоли жон бошига максимал даражадаги ялпи ички маҳсулот олиш имкони яратилади. Биз олиб бораётган тадқиқотларимизда кўрсаткичларни бир оз ўзгартириб жами аҳоли ўрнига қишлоқ аҳолисини, ялпи ички маҳсулот ўрнига қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олишни тавсия этамиз. Ҳозирги вақтда эса аҳоли зичлигини ўрганишга алоҳида географик ёндашув зарурлиги айтилмоқда (4, С.64). Сабаби, амалиётда аҳоли зичлиги маъмурий бирликлар бўйича ҳисоблаб келинади, бу ҳолатда аҳоли яшаши учун имконият йўқ бўлган ҳудудлар масалан, Ўрта Осиёдаги сувсиз чўллар ва тоғ-адирларнинг юқори қисмлари ҳам ҳисобга киритилмоқда. Натижада олинган кўрсаткичлар ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди.

Фарғона вилояти учун ҳар томонлама ўрганиш зарур бўлган, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни мураккаблаштирувчи, геоэкологик муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлувчи объектлар орасида ер ресурсларининг етишмаслиги, аҳоли сони ва зичлиги етакчи ўринда бўлади. Ушбу кўрсаткичлар Фарғона вилояти доирасида қишлоқ туманлари кесимида ўрганиб чиқилса геоэкологик муаммолар келиб чиқадиган “ўчоқ”ларни аниқлаш мумкин.

МУҲОКАМА

Фарғона вилояти қишлоқ жойларида агродемографик босимни баҳолаш учун юқоридаги назарий кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда қўйидаги тамойилларга амал қилинади:

– вилоят ҳудудидаги адир ва тоғ ландшафтларида жойлашган тоғ-олди адирлик окуругига тегишли бўлган ерлар майдони мос келувчи маъмурий туманлар майдонидан чиқариб ташланади.

– агродемографик босимни ҳисоблашда икки кўрсаткич а) қишлоқ жойлардаги аҳоли зичлиги, б) бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган қишлоқ аҳолиси сони ўрганилади, мезон (норма) сифатида вилоят ва баландлик минтақасининг ўртача кўрсаткичи олинади, ҳар икки кўрсаткич умумлаштирилиб туманлар агродемографик босим даражаси бўйича бешта (паст, ўртачадан паст, ўртача, ўртачадан юқори, юқори) гуруҳга бўлинади;

– юқоридаги кўрсаткичларни ўзида жамлаган жадвал ва баҳолаш шкаласи вилоят қишлоқ туманлари бўйича тузиб чиқилади.

Юқоридаги тартибдаги ҳисоб-китоб ишлари вилоятнинг барча маъмурий туманлари учун бажариб чиқилди. Умумий демографик босимни таҳлил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

қилишда ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида хулосалар чиқариш ва карта ишлаш мумкин.

Фарғона вилоятида геоэкологик-хўжалик ҳолатни оптималлаштиришнинг географик йўналишларидан бири ўрта ва узоқ муддатли режалаштиришда агродемографик босим миқдорини камайтириб боришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини таклиф этишдир. Бу ўринда халқ хўжалиги тармоқлари ва аҳолини ер билан таъминланганлик даражасини ёки бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган аҳоли миқдорини мезонга яқин бўлишини таъминлаш муҳимдир. Ушбу кўрсаткичларга мезон сифатида минтақанинг ўртача кўрсаткичи олинади.

Маълумки, қишлоқ жойлари Республикамиз ҳудудининг катта майдонини ташкил этади. Бу эса мазкур ҳудудларда табиатдан фойдаланишнинг мунтазам ортиб бориши ва натижада геоэкологик вазиятнинг кескинлашиб боришини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мавжуд экологик муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш масаласига икки ҳил ёндашиш мавжуддир.

Техноцентрик ёндашишда экологик муаммоларни ҳал қилишнинг технологик чоралари асосий деб ҳисобланади ва табиат имкониятлари, қонуниятлари етарлича эътиборга олинмайди. Техника имкониятлари ёрдамида биосфера барқарорлигини тиклаш, экологик муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги таъкидланади.

Экоцентрик ёндашишда табиатдаги қонунларни ҳисобга олиш, мавжуд табиий экосистемаларни асл ҳолида сақлаб қолиш устувор вазифа ҳисобланади. Биосферадаги мавжуд боғлиқликларнинг бузилишини техник ечимлар ёрдамида тиклаб бўлмайди деб ҳисобланади.

Қишлоқ жойлар ҳудудининг геоэкологик ҳолатини баҳолашда табиий, иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар билан бирга агродемографик босим миқдорини ҳам ҳисоблаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Агродемографик босимни ҳисоблашда икки кўрсаткич: қишлоқ жойлардаги аҳоли зичлиги ва бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган аҳолиси сони ўрганилади. Мезон сифатида вилоят ва баландлик минтақасининг ўртача кўрсаткичи олинади, ҳар икки кўрсаткич умумлаштирилиб туманлар агродемографик босим даражаси бўйича бешта (паст, ўртачадан паст, ўртача, ўртачадан юқори, юқори) гуруҳга бўлинади. Қуйида мисол тариқасида Қўқон гуруҳ туманларининг агродемографик босим ҳолатини таҳлил қиламиз.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

Қўқон гуруҳ туманларида қишлоқ аҳолисининг зичлиги бўйича паст кўрсаткичли гуруҳни Бешариқ ва Ўзбекистон туманлари ташкил этади. Бу гуруҳда аҳоли зичлиги 1 км кв.га Бешариқ туманида 159 кишига, Ўзбекистон туманида 156 кишига тенг. Аҳолининг сийрак бўлишига асосан туманларнинг табиий географик шароити сабабдир. Мазкур туманларда геоморфологик кўрсаткичларга мувофиқ аҳоли нисбатан сийрак жойлашгандир.

Иккинчи, аҳоли зичлиги ўртачадан паст бўлган туманлар гуруҳини Бағдод, Фурқат, ва Данғара туманлари ташкил этади. Аҳоли зичлиги бу туманларнинг қишлоқ ҳудудларида мос ҳолда. 1 км кв.га 242, 244, 253 кишидан тўғри келади. Қишлоқ аҳолисининг бундай зичлигига Бағдод, Фурқат, Данғара туманларида ҳудуднинг катта қисмида сув ресурсларининг етишмаслиги кузатилади.

Қишлоқ аҳолисининг зичлиги ўртача бўлган туманлар гуруҳига ушбу зонада фақатгина Бувайда тумани киради. Туман қишлоқ жойларида аҳолининг зичлиги 1 км кв.га 277 кишидир.

Учкўприк тумани қишлоқ аҳолисининг зичлиги юқори бўлган туман ҳисобланади. Бу туманда қишлоқ аҳолисининг зичлиги вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан 2-2,5 баробар юқорилиги билан ажралиб туради.

Умуман, Қўқон гуруҳ туманлари қишлоқ ҳудуларида аҳолининг нотекис жойлашганлиги характерлидир. Бу ўртадаги тебранишнинг ўта юқорилигидан, туманлар гуруҳлаштирилганда, баландлик минтақаланиши бўйича IV гуруҳга мос келувчи маъмурий туманнинг йўқлиги кўринади.

Қўқон гуруҳ туманлари қишлоқ жойларида аҳолининг турмуш фаровонлигини белгилайдиган, иқтисодий ҳолатни асослайдиган кўрсаткич сифатида 1 гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган аҳоли сони таҳлил қилинди. Баҳолаш натижаларига кўра, суғориладиган ерларга тўғри келувчи аҳоли сони бўйича маъмурий туманлар гуруҳлаштирилганда, қуйидаги ҳолатларни кўришимиз мумкин. Суғориладиган ерларга тўғри келадиган аҳоли сони Фурқат, Данғара, Бешариқ, Бағдод, Бувайда туманларида вилоят ўртача кўрсаткичидан пастлиги ҳарактерли. Бу туманларда бир гектар суғориладиган ерга тўғри келувчи аҳоли сони мос ҳолда 7,2; 8,7; 8,9; 11,4; 12,2 кишини ташкил этади. Аммо, ушбу туманларда қишлоқ аҳолисининг зичлиги билан 1 гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган аҳоли сони кўрсаткичлари бир-бирига мос келмайди. Бунга туманлардаги суғориладиган ерлар майдонининг турличалиги сабабдир. Кўп туманларда бу кўрсаткични кенгайтириш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

имконияти чекланганлиги қишлоқ жойларда аграр муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Суғориладиган ерларга тўғри келадиган аҳоли сони бўйича кейинги гуруҳни Учкўприк ва Ўзбекистон тумани ташкил қилади. Бу туманларда 1 гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган қишлоқ аҳолисининг сони 12,1 ва 15,8 кишига тўғри келади. Аҳоли зичлиги кўрсаткичи билан суғориладиган ерлар майдони бу гуруҳларда ҳам бир-бирига мос тушмайди.

Маъмурий туманларнинг ўртача аҳоли зичлиги, бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган аҳоли сони ва бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган қишлоқ аҳолиси сони каби кўрсаткичлар умумлаштирилади ҳамда ҳудуднинг агродемографик босим кўрсаткичи аниқланади.

ХУЛОСАЛАР

Аҳоли сони тез ўсаётган бугунги кунда, табиатдан хўжаликда фойдаланишга қўйиладиган талаблар ўзгармоқда. Ҳар бир ҳудудни экологик ҳавфсиз ва иқтисодий самарали ҳолатда сақлаш қуйидаги йўналишлардаги тадбирларни амалга ошириш билан такомиллаштирилиши мумкин:

- ҳудуддан фойдаланишда ер фонди тоифаларини мувозанатли тақсимлаш, табиий ресурслардан хўжаликда фойдаланишда минтақалар ландшафт хусусиятини эътиборга олиш;

- ҳудуд аҳолисининг бандлигини таъминлаш, агродемографик юкни бир маромда сақлаш сиёсатини юритиш. Жойларда ландшафт хусусиятларидан, аҳолининг тарихий анъаналардан келиб чиқиб бандликни таъминлаш, аҳоли манзилгоҳларини жойлаштиришда табиий ресурслар миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, қишлоқ аҳолиси фаолиятини хўжаликнинг бошқа тармоқларига жалб этиш.

- халқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларини ландшафт имкониятларидан келиб чиқиб оқилона ҳудудий ташкил этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хавфсиз ва самарали ишлаб чиқаришга эришиш.

REFERENCES

1. Аҳмадалиев Ю. И. Ер ресурсларидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишнинг ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш (Фарғона водийси мисолида). География фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. 2007. (Improving the territorial organization of agricultural use of

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00366

land resources (on the example of the Fergana Valley). Dissertation for the degree of Doctor of Geographical Sciences. T. 2007).

2. Жумаханов Ш.З. Совершенствование территориальной структуры населения Наманганской области.: Автореф. дис. кан. геогр. наук. Т. ТашГУ. 1998. С. 22. (Improvement of the territorial structure of the population of the Namangan region .: Author's abstract. dis. can. geogr. sciences. T.: Tashkent State University. 1998, p. 22).

3. Каримов И.А. Ўзбекистан ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 326-б. (Uzbekistan on the threshold of the XXI century: threats to security, conditions of stability and guarantees of development. T.: “Uzbekistan”. 1997, p. 326).

4. Ким В.Ч. Концепция системы эконом - географических кадастров.- Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. С. 64. (The concept of the system of economic - geographic cadastres. T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan. 1998, p. 64).

5. Мягков С.М. Пути к социально – экономической устойчивости России. // Вест. Моск. ун-та. Сер. 5. География. - Москва, 1995. № 5 - С. 3-8. (Ways to social and economic stability of Russia. // West. Moscow un-y. Ser. 5. Geography. Moscow. 1995. № 5 - p. 3-8).

6. Шувалов В.Е. Концептуальные проблемы развития отечественной районной школы социально-экономической географии. // Вести. Моск. ун-та. Сер. 5. География. Москва. 2005 №1, С. 13-25 (хттп://www.издатгео.ру). (Conceptual problems of the development of the national regional school of social and economic geography. // News. Moscow un-that. Ser. 5. Geography. Moscow. 2005. № 1 - p. 13-25 (http: //www.izdatgeo.ru)).

7. Элизбарашвили Н.К., Николашвили Д.А. Ландшафтный анализ населения Грузии // География и природные ресурсы. – Новосибирск. 2006, №1. С. 150-155. (хттп: www.издатгео/ру). (Landscape analysis of the population of Georgia // Geography and natural resources. – Novosibirsk. 2006, № 1, p. 150-155. (http: www.izdatgeo / ru)).